


**Халқ истеъмоли молларини чет элдан келтирмасдан, хорижий сармоя ёрдамида ўзимизда ишлаб чиқариш республикамиз иқтисодига ҳар томонлама фойда келтиради. Ана шундай мақсадларда ўзбекистонлик бир гуруҳ ишбилармонлар швейцариялик ва ҳиндистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда кундалик ҳаётимизда зарур бўлган уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқарадиган «Ист-Баттерфляй» қўшма корхонасини ишга туширишган эди.**

— «Ист-Баттерфляй» мана 3 йилдирки ўз фаолиятини юритиб келяпти, — деди қўшма корхона директори Виктор Колягин. — Уни очишдан мақсад, экологик жиҳатдан тоза ошхона идишларини ишлаб чиқариш эди. «Ист-Баттерфляй»нинг очилишида уч томон ўз ҳиссасини қўшган. Биринчиси, ўзбекистонлик ишбилармонлар, яъни «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси, иккинчиси, Ҳиндистон томонидан «Гангатхарама пренцесс Лимитед» фирмаси ва учинчи томон — Швейцариянинг «Агроплюс» фирмасидир.

*Саноат*

## ИЧКИ БОЗОРГА ВА ЭКСПОРТГА

Маҳсулотларимизнинг тури кўп. Масалан, бир литрдан 20 литргача ҳажмда бўлган кострюлкалар, турли хилдаги чойнаклар, патнис, товалар ва шу турдаги 30 хилдан ортиқроқ идиш-товоқлар.

Конструкторларимиз бозорларда яхши сотилаётган манти қасқонларининг янги турларини яратишди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз рақобатбардош, улар аҳоли томонидан фойдали буюм сифатида жуда яхши кутиб олиняпти.

Корхонамиздан чиқаётган мол экспорт қилишга лойиқ, дейиш мумкин. Янада диққатга сазовори ҳозирги кунда хориждан республикамизга идиш-товоқ деярли келтирилмаётганлигидир.

Шу йилдан бошлаб ўз маҳсулотларимизни экспорт қилишни бошламоқчимиз. Авваламбор «Ист-Баттерфляй»нинг маҳсулотлари қўшни республикаларга ҳамда МДҲнинг бошқа давлатларига жўнатилади. Келаси 2 ойда экспорт бўйича Туркманистон, Қозоғистон ва Россия билан ҳамкорлик шартномаларни имзоламоқчимиз.

Асосий ҳамкорларимиз — Ҳиндистон ва Швейцария бизга жуда катта ёрдам кўрсатиб келишяпти. Ҳозирда уч томон биргаликда янги, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экспортни яхши йўлга қўйиш, умуман, қўшма корхонамиз фаолиятини яна ҳам ривож топтириш лойиҳасини тузганмиз. У келгуси 5 йилга мўлжалланган. Агар шу лойиҳа амалга ошса, экспортдан тушаётган маблағ йилига 5 миллион долларга ошади.

Мақсадимиз — Ўзбекистон бозорини халқ эҳтиёжи моллари билан тўлдиришга ўз ҳиссамизни қўшиш ҳамда маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиб, эвазига республикага кўпроқ валюта олиб кириш.

**«Ист-Баттерфляй» қўшма корхонасининг бош директори жаноб Сампат ҳам ўз фикрларини билдириб ўтди.**

— Биз асосан «Ист-Баттерфляй» корхонасини технологик ускуналар билан таъминлаганмиз. Қўшма корхона йилига 8 миллион доллар микдорида даромад олади. Келажакда даромадни 20 миллион доллардан ҳам ошириш ниятидамиз. Бунинг учун эса маҳсулотимизни фақат Ўзбекистонда эмас, балки бошқа давлат бозорларида ҳам сотишимиз керак. Бунда эса маҳсулот сифати катта роль ўйнайди. Ҳозир ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ўзингиз кўриб турибсиз, анча рақобатбардош. Аммо бу ерда яна бир нарса бор. Корхонамиз биринчи навбатда ўз ҳудудини маҳсулоти билан қониқтириш ва ана шундан кейингина тўла ишонч билан четга маҳсулот чиқариши керак. Авваламбор ўз харидорларимизни топиш даркор. Умид қиламизки, ўзбекистонликлар бизнинг чиқараётган идиш-товоқларимизни хуш кўришади ва рўзғор учун жон-дилдан ишлатишади.

*Отабек ДАВРОНБЕКОВ*
*ёзиб олди.*

*Маданият*

## БАРЧАГА БИРДЕК МАНЗУР

Шу кунларда Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар маданият масканларида бўлиб ўтмоқда. «Турон» кутубхонасида бўлиб ўтган илмий анжуман ҳам Чўлпон ижоди, у яратган асарлар, адибнинг ҳаёт йўлига бағишланди. Унда иштирок этган Озод Шарофиддинов, Бегали Қосимов, Зоҳид Солиҳов, Рустам Хўжаев, Сирожиддин Аҳмедов, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, Хуршид Дўстмуҳаммадлар ижодкор қолдирган мерос, унинг бугунги кундаги аҳамияти, шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида тўплангaнларга сўзлаб бердилар. Шоирлар, кутубхона ходимлари томонидан ўқилган Чўлпон шеърлари кечага файз бағишлади.

* * *

Завқий маданият уйининг қўғирчоқ театри ижодий жамоаси жажжи театр мухлислари ҳузурига янги саҳна асари билан чиқдилар. Пойтахтимиз маданият масканлари, болалар боғчаларида намойиш этилаётган ўзбек халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган «Лақма бўри» спектакли қизиқарли саргузаштлар, қувноқ куй ва қўшиқлардан иборатлиги билан ҳам барчага бирдек манзур бўлмоқда. Спектаклни режиссёр Лобар Азимова саҳналаштирган. Мусиқаларни эса Георгий Слобандян танлаган. Ундаги асосий тимсолларни Жамшид Достонов, Акром Жалолов, Нурбек Жуманов, Бахтиёр Тўхтаев ва бошқалар ижро этмоқдалар.

* * *

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Шабнам» вокал чолғу ансамбли ижодий жамоасининг «Муҳаббат осмони» деб номланган янги дастури мухлислар олқиши билан кутиб олинди. Дастурни ансамблнинг [illegible] Беҳзод Мирзаев саҳнага олиб чиққан. Ансамбль томонидан ижро этилган дил тароналари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

*Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.*

# Яна учрашгунча хайр, фестиваль!

## МЕҲРИБОН ЧЕҲРАЛАР

**Жанодрако МИНГОТТИ,**
**кинорежиссёр (Италия):**

— Тошкент Халқаро кинофестивалида илк бор иштирок этдим. Серқуёш Ўзбекистон ва унинг меҳнатсевар, сахий қалб кишилари ҳақида кўп эшитганман. Тошкент аэропортига келиб тушибоқ меҳрибон, чеҳраси очиқ кишиларни кўргач, бунга амин бўлдим.

Фестиваль экранига «Чумчуқ қанотларининг ғимирлаши остида» бадиий фильми билан келгандим. У ҳамшаҳарларингизни бефарқ қолдирмаганидан хурсандман. Бунгача 35 та ҳужжатли фильмни суратга олганман. Бизнинг киномаҳсулотларимиз ўзбек томошабинларига доим манзур бўлади, деган умиддаман.

Ўзбек фильмларига келсак, улар менда катта таассурот қолдирди. «Буюк Амир Темур» ва «Атроф оппоқ қорга бурканди» картиналаридан шуни билдимки, сизларда юксак маҳоратга эга истеъдодли санъаткорлар кўп экан. Фильмлардаги миллий руҳ, ижрочилик мактабининг изчил анъаналари мени ҳайратга солди.

Фестивалда жуда кўплаб мамлакатлар санъаткорлари билан ошно бўлдим. Ҳар бир фильмдаги ҳаяжонли воқеалар билан бир ҳафта давомида бирга яшадик. Шу бир ҳафта ичида Тошкент менинг дилимга яқин шаҳар бўлиб қолди.

Гўзал ўлкангиз билан яна учрашиш ниятидаман. Шунинг учун ҳам «хайр» деб эмас, энг яхши таассуротлар билан «Яна кўришгунча, дўстлар!» дейман.

## ДИЛИМИЗНИНГ ТЎРИ ОЧИҚ

**Ҳожимурод ҲОЖИЕВ,**
**Наби Ғаниев номидаги Тошкент кинотехникумининг директори:**

— Кеча ҳаммамиз XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиш маросими гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, бу кино анжумани озод мамлакатимизда ўтказилган катта тадбирлардан бири сифатида тарихга айланди. Мустақиллик бизнинг киномизга ҳам кенг уфқлар очди. Буни биз Халқаро кинофестиваль кунларида яна бир бор дилдан ҳис этдик.

Бу галги киноанжуман санъаткорларнинг ҳақиқий кўриги ва мусобақасига айланди. Фестиваль ғолибларига таъсис этилган салмоқли совринлар энг муносиб санъаткорларга берилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Ҳа, Тошкент кинофестивалининг аҳамияти, унинг халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдаги ўрни беқиёсдир. Шу жиҳатдан олганда XII Тошкент Халқаро кинофестивали юзлаб, минглаб томошабинларнинг, мухлисларнинг ҳақиқий байрамига айланганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Тошкент кинофестивалида иштирок этган жаҳоннинг 32 мамлакати ҳамда саккиз халқаро ташкилотдан кино ва санъат арбоблари, олим ва мутахассислар унинг фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Кеча якунланган киноанжуман мустақил юртимизнинг обрўсини, шуҳратини узоқ элларга элтади. Чунки унинг «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтганлиги ҳам ушбу анжуманнинг нуфузидан дарак бериб турибди.

Биз бугун мустақил юртимиз пойтахтига ташриф буюрган киносанъаткорларга қарата чин дилдан «Яна учрашгунча хайр, азизлар, уйимизнинг, дилимизнинг тўри ҳамиша сизларга очиқ» деб қоламиз.





*Тошкент бир ҳафта мобайнида кинофестиваль руҳи билан яшади. Хиёбонларда, маданият саройларида, сўлим гўшаларда ижод борасидаги жўшқин суҳбатлар авжига чиқди. Ҳамшаҳарларимиз билан бўлган учрашувларда кинофестиваль меҳмонлари юртимиздаги улуғ ўзгаришлар ҳақида ҳайратга тушиб сўзладилар. Ушбу анжуман таассуротлари бизнинг ҳам, меҳмонларнинг ҳам юрагидан ўчмайди.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

***Ҳиндистонликлар ўз миллий кино санъатларини жуда севишади. Шу боисдан Ҳиндистон ўз фильмлари ижарасидан тушган маблағ ҳисобига фильм ишлаб чиқарувчи кучли киносаноатлардан биридир. Машҳур киноюлдузлар иштирокидаги фильмлар намойиш этиладиган кинотеатрларнинг олди эрта тонгданоқ одамлар билан гавжум бўлади. Йирик киностудиялар асосан Бомбайда, Калькутта ва Деҳлида жойлашган. Кино ижодкорларнинг деярли кўпчилиги шу шаҳарларда яшашади.***

## ЯНА ДИЙДОРЛАШУВ

Акбар Хон ана шу кўп сонли машҳур киноюлдузлардан биридир. У актёрлик билан продюсерликни баравар олиб боради. Акаси, кинорежиссёр Санжай Хон машина ҳалокатига учрагандан сўнг у чала қолган янги фильм устидаги ишларни тугатиб қўйди. Бундан аввал у акасининг «Учрашув» фильмида бош роллардан бирини ижро этган эди. Тошкентлик томошабинлар мазкур асарни ўз пайтида катта қизиқиш билан кўрган эдилар.

Акбар Хон аввалги Тошкент кинофестивалларига ҳам ташриф буюрган. Охирги келишида буюк аждодимиз Бобур ҳақида 24 қисмли телевизион бадиий фильмни суратга олиш нияти борлигини билдирганди. Ўшанда янги ишига доир баъзи масалаларни ҳал этиш учун Ўзбекистонга яна келажагини айтганди. Мана, у XII Тошкент Халқаро кинофестивали шарофати билан яна Тошкентга келди. Севимли ҳинд актёри билан бу галги учрашувлар ўзбек томошабинларида илиқ таассуротлар уйғотди. Ҳинд кино усталари билан ҳамкорликда ишлашда тажриба орттирган ўзбек ижодкорлари Акбар Хон ва унинг дўстларига ёрдам беришга ҳамиша тайёрлар. Зеро буюк ватандошимиз Бобур ҳақида фильм биз учун ҳам муҳим ва шарафлидир. Яратилажак фильм ҳамкорликнинг навбатдаги меваси бўлди.

— Тошкентдан ижодий ишларимга жўшқин руҳ, кўтаринки кайфият олиб қайтаётирман, — деди Акбар Хон хайрлашув чоғида.

*Жамила АСАДОВА.*

*СУРАТДА: Акбар Хон «Учрашув» фильмида.*



*Диллашув*

## УЗОҚ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ

**Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ билан мулоқот**



**— Ёқубжон ака, Сиз «Фурқат» кинофильмида бош ролни ўйнаганингизда талаба эдингиз. Бирданига катта роль ижро этишингизга нима ёки ким сабабчи бўлган?**

— 1958 йилда илк маротаба «Мафтунингман» кинофильмида кичик бир роль билан экранда кўринганман. «Фурқат» кинофильмини 1959 йилда суратга олишга киришилган. Бош ролни ким ижро этади деган савол ўша вақтда ҳаммани бирдай қизиқтирарди. Энг машҳур актёрлар таклиф этилиб, синаб кўрилди. Синалганлар орасида мен ҳам бор эдим. Ўшанда эндигина 21 ёшга киргандим. Омадим бор экан. Фурқатнинг сиймосини экранда гавдалантиришни менга ишониб топширишди. Фильм катта муваффақият қозонди. Унинг режиссёри Йўлдош Аъзамовга ҳам, биз актёрларга ҳам шон-шуҳрат келтирди.

**— Гоҳ ўткир драматик, гоҳ ҳажвий ролларда кўрамиз. Сиз қатнашган телефильмлару радиопостановкаларнинг санаб адоғига етиш қийин. Шахсан ўзингизнинг фикрингизни билмоқчи эдик: умуман сиз қандай амплуадаги актёрсиз?**

— Саҳна ҳар бир ижодкор учун муқаддас бир даргоҳ. Мана 40 йил бўляптики, Ҳамза театрида ижод қилиб келяпман. Шу йиллар давомида турли образлар яратдим. «Қора консулнинг ҳалокати» фильмидаги Амир Олимхон, «Парвона» спектаклидаги Муроджон, Бухоро тарихига бағишланган «Инқилоб тонги» спектаклидаги Фозилхўжа ўзимга кўпроқ ёқади. Лекин ўзимни асосан драматик актёр деб ҳисоблайман.

**— Сизни ҳамиша қувноқ, хушчақчақ, ўз ҳаётидан мамнун инсон сифатида кўрамиз. Агар сир бўлмаса айтингчи, қандай қилиб кўтаринки кайфиятда юрасиз?**

— Ҳаёт аслида турли-туман мураккабликлардан иборат бўлиб, турли вазиятларга дуч келади. Ҳаётий тажрибамдан ўзимга тегишли хулоса чиқардим: ҳар қандай ҳолатда ҳам тушкунликка берилмаслик керак экан. Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Мен санъатни ҳамма нарсадан юқори қўйганман. Санъат эса инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Яна бир томони ҳам борки, мен санъаткорлар раҳбариман. Кайфиятим ёмон бўлса, бошқа ижодкорларга ҳам таъсир этиши табиий. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳамиша ўзимни тетик, қувноқ тутишга интиламан.

**— Театр ва драматургиямизнинг ютуқ ва муаммоси хусусидаги фикрларингиз?**

— Ютуқ ва муаммолар ҳар соҳада бўлгани каби театрда ҳам учраб туради. Лекин шуни ишонч билан айтишим мумкинки, театрнинг жони — актёрларимиз ниҳоятда истеъдодли. Бироқ театрнинг қиёфасини белгилайдиган истеъдодли режиссёрлар кам. Улар кўп бўлсайди! Театрга озуқа берадиган драматурглар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Бугунги кунда маънавият, маърифатга жуда катта эътибор берилаётгани менда яна шундай истеъдодлар пайдо бўлишига ишонч туғдиради.

**— Мана XII Тошкент Халқаро кинофестивали ҳам ўз ишини якунлади. Сиз бу анжумандан қандай таассуротлар олдингиз?**

— Халқимиз санъатни жуда ҳурмат қилади. Шу сабабдан ҳам бундай юксак даражадаги анжуманнинг айнан юртимизда ўтказилгани бежиз эмас. Мустақил бўлганимиздан буён иккинчи бор ўтказилган Халқаро кинофестиваль олдингиларидан ўзгача бир руҳда ўтди. Жаҳоннинг кўпгина таниқли ва истеъдодли актёрлари, режиссёрлари ўзларининг асарлари билан қатнашдилар. Улар орасида биз орзиқиб кутган, халқимиз фақат кинофильмлар орқалигина билган актёрларнинг шаҳримизга ташриф буюриб, ўз мухлислари билан учрашишларининг ўзи бир бахт.

Ишончим комилки, юртимизда ушбу фестивалдан олинган бой таассуротлар, унинг кайфияти узоқ вақт сақланиб қолади.

*Маъмура РЎЗИЕВА*
*суҳбатлашди.*

*Анъаналар*

## УЗМАЙ ДЎСТЛИК ТОРИНИ

***...Уйга келишим биланоқ келиним Азиза менга юзланиб: «Адажон, мана бу таклифномани сизга бериб кетишди, албатта борарқансиз», деб тайинлади.***

Таклиф қоғозини ўқиб, ҳаяжонланиб кетдим. Умр оқар сув деб, бежиз айтмайдилар. Собиқ синфдошларнинг меҳр чашмалари 40 йил давомида янада мавж урибди. Улар дўстлик торини узмай, қадрдон мактабларида учрашишга қарор қилибдилар. Шуларни ўйлар эканман, кўз ўнгимда ўша йиллардаги 10-«а» синф ўқувчилари гавдалана бошлади.

Ҳа, улар илмга қизиқувчан, қадамларидан ўт чақнайдиган йигит-қизлар эди. Бўш пайтларини асло бекор ўтказишмасди. «Бой ила хизматчи», «Ревизор» спектаклларини қойилмақом қилиб ижро этишгани ҳануз ёдимда. Спортда ҳам байроқдорлик қилишарди. Усмон Мақсудов, Аҳатжон Раҳмонов, Зийнатилла Нуруллаев, Ғофур Қодиров, Тўлқин Эргашев, Талъат Шоғиёсов, Қудратилла Нурмуҳамедов, Тўлқин Раҳимбердиев, Фаромуз Муслимов, Мурод Умаровлардан ташкил топган футбол, баскетбол, волейбол жамоалари ҳар қандай мусобақада мактаб шарафини муносиб ҳимоя қилишарди. Бир неча йил «Пахтакор»да маҳоратини чарҳлаган, ҳозирги кунда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасида тўп сураётган Шуҳрат Мақсудов футбол алифбосини илк бор отаси — Усмон акадан олганлиги ҳам сир эмас...

...Шу куни эрта тонгданоқ Собир Раҳимов туманидаги Юсуф Шомансур номли 11-мактаб байрамона тус олди. Гўзал баҳор чечакларидай очилган ёш ўқувчи қизлар қўш тантананинг — 1996-97 ўқув йили якунига доир «Сўнгги қўнғироқ» шодиёнаси ва қадрдон даргоҳларига 40 йилдан сўнг ташриф буюрган собиқ ўқувчилар — оталари, бувалари, онажонлари учрашувларининг шоҳиди бўлишиб, олам-олам завқ олишди.

Ҳурмат тўрига собиқ ўқувчиларга илк бор сабоқ берган камтарин устозлар — халқ таълими аълочилари Фахриддин Нуриддинов, Раҳимжон Усмонов, Мастура Долимова, Ирисали Мирвалиевлар таклиф этилганда қуйи синф ўқувчилари уларга алвон гуллар ҳадя этишди. Учрашувни бошқарган Омина Раҳмонбердиева 10-«а» синфининг раҳбари бўлган Фахриддин ака Нуриддиновга биринчи сўзни берганда, барча устозни қарсаклар билан кутиб олди. Устоз ўз ўқувчилари билан фахрланишини, мактабни битирган 30 нафар ўз шогирдидан 21 киши олий маълумот эгаси бўлганлиги, ҳозирги кунда улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, мустақил юртимиз равнақига катта ҳисса қўшаётганликларини таъкидлади.

Ҳа, бу синф ўқувчиларидан ҳозирги ёшлар ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Профессор Фаромуз Муслимов 17-шаҳар шифохонасининг моҳир жарроҳи, доцент Талъат Шоғиёсов Тошкент молия институтида, техника фанлари номзоди Зийнатилла Нуруллаев архитектура-қурилиш институтида, Аҳатжон Раҳмонов, Мурод Умаров, Қудратилла Нурмуҳамедов ўқитувчи бўлиб фаолият юритишмоқда.

Собиқ синфдошлар номидан сўзга чиққан Талъат Шоғиёсов устозларига барча номидан миннатдорчилик билдиргач, уларга эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг собиқ ўқувчилар 10 йил бирга ўқишган синфларига — қадрдон парталарига ўтиришди. Худди 40 йил олдингидек хонага она тили ва адабиёт ўқитувчиси Фахриддин ака Нуриддинов кириб келганида улар ҳурмат бажо келтириб ўрниларидан туришди.

Фурқатнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ушбу дарс қизғин ўтганлигидан ўқувчилар қўнғироқ товушини ҳам сезмай қолишди. Бу қўнғироқ устозларни, ҳозирги мактаб ўқувчиларини «Иттифоқ» маҳалласи гузаридаги «Тўй ва турли маросимлар ўтказиш» хонасига чорлаётган эди. 40 йилдан бери дўстлик торини мустаҳкам сақлаб келаётган собиқ синфдошлар ва устозлар гурунги тўйхонада бир пиёла чой устида давом этди.

*Файзулла ИСАЕВ.*

